

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**450 Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ер қаърини комплекс геологик ўрганиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларининг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида унинг таркибига «Навоий КМК» ДК нинг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини бериш орқали ягона геология хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. «Навоий КМК» ДКнинг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибига бериш бўйича чора-тадбирлар 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Навоий КМК» ДК нинг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси таркибига беришга доир чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда ташкилий масалаларни тезкор ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳ 2-иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (Ғ.И. Ибрагимов) икки ой муддатда мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган «Навоий КМК» ДКнинг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш марказини Давлат геология қўмитаси таркибига бериш бўйича чора-тадбирларни белгиланган тартибда яқунланишини таъминласин.

4. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда кончилик муносабатларини бошқариш;

республика минерал-хом ашё базасини, биринчи навбатда — ер ости сувлари, қимматбаҳо, рангли ва камёб металллар, нодир ер элементлари ва ураннинг минерал хом ашё базасини жадал ривожлантириш, минерал хом ашёнинг янги турлари ва уларнинг конларини тезкор қидириш;

геология-қидирув ишларини самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, жойларда янги саноат қувватларини барпо этилишини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар захираларини қўпайтирилишини ва иқтисодиёт тармоқларининг минерал хом ашё базасини қайта тўлдирилишини таъминлаш;

фойдали қазилма конларини саноатда ўзлаштириш учун берилишини жадаллаштириш ҳисобига фаол инвестиция сиёсатини юритиш, конлардан оқилона, шу жумладан хориж инвестицияларни жалб қилиш орқали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқишни ташкил этиш мақсадида амалдаги, биринчи навбатда республика ҳудудларидаги саноат тармоқлари хом ашё манбаларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг узок, ўрта муддатли ва йиллик давлат дастурларини амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилишни, ер қаърини геологик ўрганиш услубиётини, олинган натижаларнинг ҳажми, сифати ва ишончилигини объектив баҳолашни таъминлаш;

замонавий ва юқори унумдор геология-қидирув ускуналарини тезкор жорий қилиш, илғор техника ва инновацион технологиялар билан таъминлаш ҳисобига геология соҳасини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирларни самарали амалга ошириш;

кадрларнинг касбий малака даражасини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, улар меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали механизминини жорий қилиш.

Давлат геология қўмитаси раҳбарлари қўмитага юкланган вазифа ва функцияларни сифатли амалга оширишга шахсан масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

5. Давлат геология қўмитаси марказий аппаратида ходимларнинг чекланган сони 4 бирликдан иборат Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш бошқармаси ташкил этилсин ва унга:

Давлат геология қўмитасининг Минерал хом ашё базасини кенгайтириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларини мониторинг қилиш ва шакллантириш бошқармасининг;

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси Геология-қидирув ишларини олиб боришни назорат қилиш бўйича соҳа инспекциясининг тегишли вазифалари берилсин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

бошқарув ходимларнинг чекланган сони 85 бирликдан иборат Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат геология қўмитаси раисига зарурат бўлганда Давлат геология қўмитаси марказий аппарати тузилмасига бошқарув ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, тасарруфдаги ташкилотларнинг ажратмалари, шунингдек қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа молиявий манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорнинг 4-бандида белгиланган асосий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин.

9. Қўйидагилар:

Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурлари қимматбаҳо ва рангли металллар ҳамда уранга олиб бориладиган геология-қидирув ишларининг объектлари ва бажариш муддатлари, шунингдек, захиралар ҳажмини кўпайтириш қисмида «Навоий КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖ билан келишилиши лозимлиги;

2016 йилги геология-қидирув ишлари Дастури доирасида аввал харид қилинган ускуналар, махсус техника ва автотранспорт воситалари Давлат геология қўмитасининг «Геолтехтаъминот» ДК га беғараз асосда топширилиши белгилаб қўйилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик дастурларида кўзда тутилган геология-қидирув ишлари ва геология соҳасини модернизация қилиш чоратадбирлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида геология-қидирув ишлари учун кўзда тутилган бюджет маблағлари;

«Навоий КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖ нинг қимматбаҳо ва рангли металллар ҳамда уран захираларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги махсус мақсадли ҳисоб рақамларига йўналтириладиган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат геология қўмитаси, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалик КМК» АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2017 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Молия ва

---

\* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

зирлиги Ғазначилигида геология-қидирув ишларини бажариш ва геология корхоналарини модернизация қилишга мўлжалланган асбоб-ускуналарни харид қилишни молиялаштириш учун махсус мақсадли ҳисоб рақамларида маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Давлат геология қўмитаси ходимларига узлуксиз иш стажи учун «Наввий КМК» ДК нинг «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «Олмалик КМК» АЖнинг «Рангли металллар геологияси» Илмий-ишлаб чиқариш маркази ходимлари учун белгиланган миқдорларда устама тўлашни назарда тутувчи рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси геология йўналишларида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш бўйича асосий буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Давлат геология қўмитаси билан биргаликда:

икки ой муддатда ўрнатилган тартибда 5-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига зарур йўналишлар ва мутахассисликларни киритишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ер қаърини геологик ўрганишнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий қилган ҳолда геология мутахассисликларининг ўқув режаларидаги амалиёт машғулотлари ҳажмини оширсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Давлат геология қўмитасининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб геология соҳаси эҳтиёжи учун 6-иловага\* мувофиқ касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Давлат геология қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 6-иловасида кўрсатилган касб-хунар коллежларини малакали ўқитувчилар ҳамда зарур бўлган ўқув ва методик материаллар, лаборатория ускуналари билан тўлдиришни, шунингдек, битирувчиларни танлаган касблари бўйича ишга жойлаштирилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 7-иловага\* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Давлат геология қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

---

\* 5 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

**450-451-моддалар**

**— 32 —**

**23 (783)-сон**

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 май,  
ПҚ-3004-сон